ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ – 100 ЁШДА

А.ХУДОЙҚУЛОВ,
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти «Ахборот ресурс» бўлими бошлиғи



Республикамиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳаларида ҳам илмий-амалий ишлар тизимли йўлга қўйилди ҳамда муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада тупроқларда кечаётган саҳроланиш, дегумификация, деградация, шўрланиш, эрозия ва тупроқларни антропоген ифлосланишининг салбий оқибатларини камайтириш йўналишларида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, тупроқларнинг генезиси, морфологияси, кимёвий, физик-кимёвий ва биологик хосса-хусусиятлари аниқланди, тупроқ унумдорлигини тикланиш кўрсаткичлари ҳамда мос коэффицентлари ишлаб чиқилди, республика қишлоқ хўжалик экин майдонлари тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда рекультивациянинг индивидуал тадбирлари ва биологик усулларга асосланган технологиялари яратилди. Мамлакатимизни жадал ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд муаммоларни замонавий биологик технологиялар асосида ҳал этиш, органик деҳқончиликни кенг жорий этиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда жаҳонда инсон фаолияти натижасида турли даражада ифлосланган тупроқлар учун ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос рекультивация тадбирларини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимизнинг турли минтақалари шароитида деградация, дегумификация, саҳроланиш, шўрланш, эрозия ва ифлосланиш каби салбий жараёнлар таъсирига учраган тупроқлар рекультивацияси учун тупроқларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, биологик хоссаларини аниқлаш, рекультивация омиллари, алгоритми, босқичларини ажратиш, тупроқ хоссалари ва деградация тавсифини инобатга олган ҳолда тадбирларни танлаш, рекультивация жараёнини даврлаштириш, тупроқ унумдорлигининг дастлабки тикланиш кўрсаткичлари, улар учун тегишли коэффицентлар ишлаб чиқиш, тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, келажакда деградация омиллари бўйича прогноз қилинадиган хаританомаларни яратиш, олинган натижалар асосида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 31 майдаги «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5065-сон Фармони, 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармони, 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республи-

каси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4575-сон қарори, 2021 йил 1 апрелдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6198-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқлари унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш борасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш айни пайтда ниҳоятда долзарб ҳисобланади.



Ўтган йили мамлакатимизда 5 декабрь - «Бутунжаҳон тупроқ куни» ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан пойтахт марказидаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Замонавий жамиятда тупроқшунослик: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирни модератор – «Шўрланган ерларда деҳқончилик халқаро марказининг Ўрта Осиё, Кавказ давлатлари офиси» ИКБА раҳбари Азиз Каримов олиб борди. Тадбир жонли тарзда ва ZOOM дастури орқали юқори савияда ўтказилди. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан ташкиллаштирилган бу тадбирда 10 га яқин соҳага оид хорижий давлат қишлоқ хўжалиги мутахассис олимлари, юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган илмий-тадқиқот институтларининг 150 дан зиёд мутахассис олимлари ҳамда нуфузли олий ўқув юрти профессор ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Шуни айтиш керакки, анжуман мавзуси хорижлик экспертлар диққат эътиборини кенг жалб этди. Улар анжуман жараёнида онлайн тарзда иштирок этиб, билвосита кузатиб бориш имкониятига эга бўлишди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Бош директори, биология фанлари доктори Алишер Тўраев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида барча анжуман иштирокчиларини, шу жумладан, Халқаро тупроқшунослар жамияти президенти, профессор Лаура Берта Рейес Санчес хонимни 5 декабрь – Бутунжаҳон тупроқ куни ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллик юбилейи билан самимий қутлади. Шунингдек, ҳозирги кунда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан олиб борилаётган ишлар, тизимда яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчиларига навбат билан табрик сўзи берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев ZOOM дастури орқали, аввало, барча анжуман қатнашчиларини ушбу қутлуғ сана билан муборакбод этди. Нотиқ охирги йилларда республикамизнинг қишлоқ хўжалиги тизимида, айниқса, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан муҳим аҳамиятга эга самарали илмий тадқиқотлар амалга оширилаётганини аниқ мисоллар ёрдамида тилга олиб ўтди. Б.Тожиев мамлакатимизда кадастр ер масалалари ўз ечимини топаётгани, фойдаланиладиган ерларнинг тупроқ унумдорлигини янада ошириш ва замонавий агрокимёвий лабораторияларни ташкил

этиш натижасида қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштирилиб, мамлакатимизнинг хорижга товар маҳсулоти экспорт қилиш салоҳияти кун сайин ошиб бораётганини алоҳида қайд этди. Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш, экология масалаларини ҳал этиш ва экинларни томчилатиб суғориш тизимида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилаётгани таъкидланди.

Шундан сўнг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг босиб ўтган йўли ҳақидаги видеолавҳа намойиш этилди.

Намойишдан сўнг сўз навбати Ўзбекистон



Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари қўмитаси раҳбари Рисқул Сиддиқовга берилди. Нотиқ ўз чиқишида бугунги кунда мамлакатимизда аграр соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса тупроқшунос олимларимиз томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ва илмий ишлар тўғрисида муҳим маълумотларни келтириб ўтди. Р.Сиддиқов юқори савияда ўтаётган анжуман иштирокчилари ва ташкилотчиларни самимий қутлаб, институт раҳбариятига эсдалик совғасини топширди.

Анжуманда навбатдаги табрик учун сўзи Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Шерзод Умаровга берилди. Маърузачи ўз нутқида Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳаётидаги муҳим сана билан қизғин қутлади. Ўз навбатида ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш, унумдор ерларни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ва Марказий Осиё давлатлари табиат экологиясига бағишлаб тайёрланган видеолавҳани тақдим этди. Шунингдек, маърузачи қишлоқ хўжалиги тизимида хориж давлатлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича айни кунларда бажарилаётган ишлар акс этган ёркин видеолавҳани анжуман иштирокчиларига ҳавола этди. Бундан эса барча мамнун бўлди.

Шунингдек ZOOM дастури орқали сўз олган Мексика давлати вакили Халқаро тупроқшунослар жамияти президенти, профессор Лаура Берта Рейес Санчес хоним барчани «Бутунжаҳон тупроқ куни» билан ҳамда Ўзбекистон Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг 100 йиллик юбилейи билан самимий қутлади.

Анжуман давомида хорижий давлатлардан ташриф буюрган ҳамда ZOOM дастури орқали иштирок этган аграр соҳа илмий-тадқиқот институтлари ва нуфузли институт профессор олимларига сўз навбати берилди. Жумладан, «В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти» Федерал тадқиқот маркази Бош илмий ходими, Россия фанлар академияси академиги Игорь Юрьевич Савин, Беларус МФА Тупроқшунослик ва агрокимё институти директори, Беларусь МФА академиги Виталий Витальевич Лапа, Москва давлат университети Тупроқшунослик факультети Президенти, РФА мухбир аъзоси, профессор Сергей Алексеевич Шоба, ЎзМУ «Биология факультети» декани, профессор Тўхтасин Абдраҳмонов, «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Руҳиддин Тўраев, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани «ТСТ кластери» директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Фатхулло Жўрақулович Тешаев, «Тупроқсифаттаҳлил» ДУК директори, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори Одилжон Жабборов ва бошқалар ўз сўз навбатларида дил изҳорларини билдириб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи вакиллари ўз маърузаларида қишлоқ хўжалигининг, хусусан тупроқшунослик соҳасининг узоқ 100 йиллик тарихи, мустақиллик давригача ва ундан кейинги йилларда эришилган ютуқлари ва муаммолари, илмий ҳамкорликни кучайтириш каби масалалар бўйича атрофлича фикр юритилди.

Маърузалардан сўнг, анжуман кун тартибига кўра, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институт ривожига катта ҳисса қўшган ходимлар ва ёш мутахассисларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

5 декабрь - «Бутунжаҳон тупроқ куни» ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот

институтининг 100 йиллик юбилейи муносабати билан қуйидагилар:

Тошқўзиев Маъруф Мансурович, Сатторов Жўракул, Қурвонтоев Рахмонтой, Гафурова Лазиза Акрамовна, Боиров Абдунаби Жўраевич, Каримов Муроджон Умарович, Ахмедов Алмон Усмонович, Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич, Каримбердиева Амина Аъзимовна ва



Исмонов Абдувахоб Жўраевичлар муносиб тақдирландилар;

шунингдек ёш тупроқшунос мутахассислардан:

Жумаев Шавкат, Каттаева Гулноза, Норматов Ёдгор, Бобоноров Бегзод, Холматов Отабек, Каримов Ҳайитоли, Қулдашев Қудрат, Ҳалилова Зарина, Жўраев Шуҳрат ва Мухаммадиев Самадлар мукофотларга лойиқ кўрилди.



Тақдирлаш маросимидан сўнг, анжуманнинг асосий қисмида, бир нечта маърузалар тингланди. Чунончи:

К.А.Тимирязев номидаги Россия давлат аграр университети – МСХА Деҳқончилик ва тажриба иши методикаси факультети профессори, биология фанлари доктори М.А.Мазировнинг (Россия Федерацияси) «Длительный полевой опыт ТСХА: сущность и этапы развития»;

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, биология фанлари доктори Ш.М.Бобомуродовнинг «Замонавий жамиятда тупроқшунослик: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлари» мавзусида;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ж.Сатторов;

Беларус МФА Тупроқшунослик ва агрокимё институти етакчи илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент, Д.В.Матыченковнинг (Белорус Республикаси) «Геостатистический анализ почвенного покрова по факторам, лимитирующим урожайность сельскохозяйственных культур» мавзусида;

В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Н.Б.Хитровнинг (Россия Федерацияси) «Электронная карта засоления почв России» мавзусида;

Фарғона давлат университети кафедра профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, професср Ғ.Юлдашевнинг «Шўрланган ерлар педогеокимёси ва тадқиқот усуллари» мавзусида;

«Қишлоқ хўжалиги экинлари навсинаш маркази» директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ш.Нурматов ва бошқа профессорларга сўз навбатлари берилди. Улар ўз мавзулари юзасидан маърузалари ва тайёрланган видеолавҳалар намойишини анжуман қатнашчиларига ҳавола этдилар.

Анжуманда эътироф этилганидек, бугунги кунда дунёда турли саноат тизимлари фаолияти, фойдали қазилма конларини қазиш, улардан турли соҳаларда фойдаланиш жараёнлари ва антропоген омиллар таъсирида тупроқ қопламининг кимёвий ифлосланиши, уларнинг хоссахусусиятларини ўзгариши ҳамда унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда. Тупроқларнинг ифлосланиши турли шаклларда вужудга келиб, уларнинг деградациясига, ҳосилдорлигининг сифат ва миқдор жиҳатдан пасайишига ҳамда экотизим билан боғлиқ муаммоларни шаклланишига олиб келмоқда.

Анжуманда тупроқлар унумдорлигини сақлаш,

қайта тиклаш ва ошириш, уларнинг физик-кимёвий, агрокимёвий, микробиологик, биологик хоссаларини яхшилаш; хорижлик олимлар билан ўзаро илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва интеграциялаш, тизимда ягона электрон карталар ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш, геокимёвий тўсиқларни аниқлаш ҳамда уларни тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш, алмашлаб экиш, тупроқларни ювилиб кетиши бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тупроқшунослик соҳасига янада жиддийроқ ёндашиш каби вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. БМТ ҳам бугун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини таъкидламоқда.

Сабаби, бугунги кунда табиатга бефарқ муносабат, унга антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, исрофгарчилик, илғор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларни келтириб чиқаряпти. Нознеъматларимиз, чучук сув, уммонлар, ўрмонлар, биологик хилма-хиллик кескин суръатларда камайиб бормоқда, ер унумдорлиги пасайиб, тупроқ деградацияга учраётир.

Масаланинг яна бир томони, қишлоқ хўжалиги дунёдаги энг катта иш берувчи тармоқдир. Бугун дунё аҳолисининг 40 фоизи айнан шу соҳа орқали тирикчилик қилади. Бу қишлоқлардаги оилалар учун даромад келтирувчи ва бандликни таъминловчи асосий манбадир. Ривожланаётган мамлакатларда асосан лалми бўлган беш миллион кичик фермер хўжаликлари озиқ-овқатнинг 80 фоизини етказиб беради. Шундай экан, мазкур жабҳага инвестиция киритиш аҳоли қатламлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш қаторида маҳаллий ва ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мамлакат имкониятларини оширади.

Ўзбекистон ҳам барча давлатлар қатори озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Зеро, айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошмоқда, аҳоли сони ўсиши асносида жон бошига истеъмол кўпаймоқда.

Бинобарин, сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгарди, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. ЯИМда тармоқ улуши 32 фоизга тенг бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фоизини эгаллайди. Ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинаётгани диққатга сазовор албатта. Яна бир эътиборли жиҳати, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилиб, у кенг қулоч ёзяпти. Улар билан қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 62 фоизи пахта-тўқимачиликда, 8 фоизи чорвачиликда ва 7,5 фоизи мева-сабзавотчиликда қамраб олингани бунинг тасдиғидир.

Шулар қаторида соҳани янада ривожлантириш, фермерлар даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш борасида фойдаланилмаётган бир қатор имкониятлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва айни пайтда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси шу нуқтаи-назардан долзарбдир.

Айни чоғда деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш ҳам муҳим. Хусусан, бутун йил мобайнида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган, ҳам нархларнинг мавсумий ўзгариб туришини пасайтирадиган механизм яратиш лозим.

Шу нуқтаи назардан янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг самарали усулларини татбиқ этиш давр талабидир.

Боиси 2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши мақсад қилинган. Бу турмуш тарзи, хулқ-атвор андозалари, овқатланиш тар-

кибини тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ўсишини таъминлаш зарур бўлади.

Президентимизнинг «Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида бу масала кўзда тутилган. Қайд этилишича, тупроқлар унумдорлигини оширишга оид амалиёт таҳлили ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатган.

Хусусан: биринчидан, тупроқлардан фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш бўйича тизимли ишларни ўз ичига олган яхлит ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас;

иккинчидан, тупроқларни комплекс ўрганиш асосида уларнинг хосса-хусусиятларини, жумладан, гумус ва озуқа моддалар миқдорини аниқлаш ва унумдорлик даражасини белгилашдан ташқари, тупроқларнинг экологик ҳолати, турли токсикант ва поллютантлар билан заҳарланганлик даражаларини тадқиқ қилиш ва ташхис қўйиш, экологик тоза ва соғлом тупроқ ҳолатига келтириш учун илмий асосланган ишланмалар ва тавсияларни жорий этиш механизми тўлиқ яратилмаган;

учинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш, айниқса органик ўғитлардан кенг фойдаланиш бўйича комплекс тадбирларни етарли даражада амалга оширилмаганлиги натижасида, сўнгги 30 йилда суғориладиган тупроқларда гумус миқдори 10-15 фоизга камайиб кетган, оқибатда эквивалент ҳисобида бой берилган суғориладиган экин ерлари 450 минг гектарни ташкил қилади;

тўртинчидан, тупроқлар деградациясини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ерлари ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетмоқда;

бешинчидан, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан самарали фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган, соҳада илғор технологияларни қўллаш даражаси юқори эмас ва илмий тадқиқот натижалари амалиётга кенг жорий этилмаяпти;

олтинчидан, соҳага оид илмий-тадқиқот институтлари томонидан тупроқларнинг унумдорлигини аниқлаш ва прогноз қилишда замонавий ёндашувлар етарли эмас;

еттинчидан, лалми ва яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлиб, ресурстежамкор, замонавий илғор технологияларни қўллаш етарли даражада йўлга қўйилмаган;

саккизинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларида ўтказиладиган агротадбирлар, жумладан, шудгорлаш, экиш олдидан минерал ва маҳаллий ўғитларни киритиш ва вегетация даврида минерал ўғитларни қўллашга ихтисослашган агрегатларни маҳаллийлаштириш тизими ишлаб чиқилмаганлиги натижасида тупроқларни физик ва агрокимёвий хоссаларига салбий таъсир кўрсатиб, тупроқларнинг зичлигини ортишига, гумус ва озиқа моддалари билан таъминланганлик даражасининг пасайишига олиб келмоқда.

Бу вазифаларни бажариш Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, *«Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир. Такрор айтаман, тинчлик ва соғликни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур».*

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, анжуманда аграр соҳани ривожлантириш йўлида чуқур назарий ҳамда инновацион тадқиқотлар олиб бориш бўйича фикр алмашилди. Аграр соҳада тайёрланаётган кадрларни эришилган ютуқлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан яқиндан таништириш ва уларни бу соҳага кенгроқ жалб қилиш асосида юқори малакали кадрларни тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, ёш тупроқшунос кадрларга таълим беришда олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот муассасалари билан доимий ҳамкорликда фаолият юритиш, «устоз-шогирд» анъаналари асосида узвий тадқиқотлар олиб бориш, бу соҳани жадал ривожлантириш ҳам вазифа қилиб белгиланган эди. Дадил айтиш мумкинки, анжуманда шу ва бошқа қўйилган вазифалар келгусида тўлақонли уддаланади.